

НИГИНА НИЁЗ



СЎНГГИ КУН



Хаёлий қисса

II бўлим

Тошкент–2020

Нигина Ниёз.

Сўнги кун: Хаёлий қисса. Нигина Ниёз (Мавлуда Иброҳимова). –Т.: , 2020. 252-б.

Мен мухлислардан ушбу асарни фантастика, хаёлий роман сифатида қабул қилишларини сўраган бўлардим. Шунингдек, асардаги воқеалар баъзи мухлисларимиз тасаввуридан, билганларидан фарқ қилиши мумкин. Чунки бу бадий асар, бир ижодкор тасаввуридир. Мен билганларимни, ўқиб тафаккур қилганларимни ёздим. Яна ҳам Аллоҳ билгувчидир!



II БЎЛИМ

*Ўз даражасига етолмаслик –
жоҳилликдан ўзга нарса эмас.
Ўз даражасидан ошмоқлик эса
доноликнинг ўзгинаси.*

Сукрот

*Йўқ тоқати ҳеч, аста замон кетмоқда
Хушёрману дилда физгон кетмоқда
Кетганда санам, кетгани янглиз ошиқ
Ҳар ботганида қуёш, ЖАҲОН кетмоқда*

Паҳлавон МАҲМУД

ЎЗГА ОЛАМ ЭШИГИ

Мен ўлимдан кўрқмайман. Чунки ўлим ўзга дунё остонаси эканини биламан.

Физик олим Владимир Ефремов бир мўъжиза сабаб, у дунёдан қайтди ва у ёқда кўрган-кечирганларини қариндош-уруғларига, касбдош дўстларига сўзлаб берди.

ОКБ «Импульс» лойиҳачиси Владимир Ефремов кутилмаганда вафот этди. Йўтал тутиб, диванга ўтирди ва жим бўлиб қолди.

Ўша пайтда уйда бўлган яқинлари мудҳиш воқеа юз берганини даб-дурустан тушуна олмадилар. Улар Володя шунчаки дам олиш учун ўтирди, деб ўйлашди. Биринчи бўлиб унинг синглиси Наталья ўзига келди. Акасини елкасига туртиб:

– Володя, сенга нима бўлди? – деб сўради.

Шунда Ефремов ён томонга кулаб тушди. Наталья акасининг билагидан ушлаб, томир уришини текширмоқчи бўлди. Унинг юраги урмаётганди. Наталья



сунъий нафас олдиришга уринди. Аммо акаси нафас олмаётганди.

Натальянинг ўзи шифокор бўлгани учун дақиқа сайин акасини кутқаришга бўлган илинж камайиб бораётганини тушунарди. Шунинг учун жон халпида акасининг кўкрагини укалаб, юракни ишлатиб юборишга уринарди. Орадан саккиз дақиқа ўтгач, Наталья акасининг томири ура бошлаганини сезди. Юрак ишга тушди. Владимир Григорьевич нафас ола бошлади.

– Худого шукр, тирик экансан! – шундай дея синглиси уни кучоқлаб олди. – Биз сени «ўлди» деб ўйладик. Ҳаммаси тугади, дебмиз.

– Тугаши мумкин эмас, – пичирлади Владимир Григорьевич. – У ёқда ҳам ҳаёт бор экан. Фақат бошқача... бизникидан яхшироқ...

Владимир Григорьевич клиник ўлим ҳолатида нималарни ҳис қилганини батафсил тасвирлаб берди. У кўрган-кечирган нарсалар фан учун жуда муҳим. У Санкт-Петербург давлат университетида бу борада маъруза қилди. Унинг маърузаси илм оламида ўзига хос шов-шув бўлди. Унинг маърузасини тинглаган Анатолий Смирнов:

– Бундай нарсани тўқишнинг иложи йўқ! – деди.

ЎТИШ

Владимир Ефремов сунъий онг бўйича йирик мутахассис бўлиб ҳамкасблари уни қаттиқ ҳурмат қилишади. У узоқ вақт мобайнида ОКБ «Импульс»да меҳнат қилган. Ҳатто Гагаринни самога учуришда иштирок этган олимлардан биридир.

– Ўлиб-тирилгунимга қадар, ўзимни атеист деб ҳисоблардим, – дейди В.Григорьевич. – Фақат далилларга ишонганман. У дунё ҳақидаги ҳикояларни эса одамларни овутиш учун ўйлаб топилган сафсата, деб



хисоблардим. Очигини айтсам, ўша пайтда ўлим ҳақида ўйламаётгандим. Ишхонада иш шу қадар кўп эдики, бош қашлашга вақт етмасди. Юрагим касал, устига устак сурункали бронхит қийнаётганди. Шифохонада ётиб даволанишга вақтимни қизганардим.

12 март куни синглимнинг уйида йўталиш хуруж қилди. Нафас етмай, бўғилиб қолаёздим. Ҳаво ютишга уринсам-да, бефойда. Ниҳоят, хирилдоқ билан ўпкамдаги охирги ҳаво чиқди, лабларимда кўпик пайдо бўлди. Миямда, мен ўялман, бу ҳаётимнинг охирги лаҳзаси, деган фикр ярқ этди. Аммо негадир хушдан кетмадим, миям ишлаб турарди. Кутилмаганда шундай енгил бўлиб қолдимки, ҳеч қаерим оғримасди: юрагим ҳам, томоғим ҳам. Фақат болалик пайтимдагина ўзимни шундай яхши хис қилганман. Танам йўқдай, уни кўрмаётгандим, онгим эса равшан эди. Хотираларим, ҳис-туйғуларим – ҳаммаси ўша-ўша. Кутилмаганда узун қувур бўйлаб парвоз қилдим. Бундай парвоз қилиш менга танишдай туюлди. Илгарилари тушларимда шундай учардим, фикран тезликни камайтириб, йўналишни ўзгартирмоқчи бўлдим. Қарангки, мен буни уйдаладим! Ҳеч қандай кўрқув ҳисси йўқ эди. Фақат роҳатланардим. Буларнинг барини таҳлил қилиб кўрмоқчи бўлдим. Ўша заҳотиёк саволимга жавоб олдим. Мен тушиб қолган олам, чиндан ҳам мавжуд. Мен ҳам фикрларим ила мавжудман. Ниҳоят, менинг фикрларим ҳам бир сабабият ҳолида – мен ҳам у билан бирга мавжуд эдим.

ҚУВУР...

– Бу олам мусаффо, мунаввар ва ранг-баранг эдики, бундан фақат қувонч туярдим, – дейди Владимир Григорьевич. – Шуурим илгариги пайтга нисбатан бутунлай бошқача ишларди. У ҳамма нарсани бир пайтда камраб олар, мен учун масофа ҳам, вақт ҳам йўқ эди. Мен ошуф-



та нигоҳ ила чор-атрофга боқар, ўзим кўриб турган бу олам эса қувур каби ўралган эди. Қуёшни кўрмадим, шундай эса-да, атроф бир текисда ёруғ бўлиб, бирон нарсанинг сояси ҳам кўринмасди.

Қувур деворлари турли хил бўртмалардан иборат бўлиб, қаер тепа, қаер паст томон эканини фарқлаб бўлмасди. Ўзим учиб ўтаётган жойларни эслаб қолишга ҳаракат қилдим. Бу ер тоғ маъвосини эслатарди. Бу жойларни осонлик билан эслаб қолдим, чунки хотирам тубсиздай туюларди. Аллақачон ўша ўтган жойимни хаёлан тасаввур қилдим ва ўша жойга қайтмоқчи бўлдим. Буни ҳам уйдаладим. Гўё масофасиз йўл босгандай, мен ўша жойда пайдо бўлиб қолдим. Шу пайт миямга бир ғалати фикр келди. Хўш, ташқи оламга қайси даражада таъсир қилиш мумкин? Балки ўтмиш ҳаётимга ҳам қайта оларман? Шунда уйимдаги эски, яроқсиз телевизоримни эсладим. Қарангки, мен бу телевизор ҳақида ҳамма нарсани билар эдим. Қандай қилиб ва қаерда лойиҳалаштирилган, уни яшашда қандай металдан фойдаланилган, ўша темир қайси кондан қазиб олинганигача билардим. Унинг қолипни қуйган темирчининг хотини борлигини ва унинг қайнонаси билан чиқишолмаётганидан ҳам хабардор эдим. Шу телевизорга боғлиқ ҳамма нарсани кенг камровда, ипидан-игнасигача англаб турардим. Ҳатто телевизорнинг қайси мурвати ишламай қолганини ҳам билардим. Даволаниб, касалхонадан чиққач, телевизорнинг ўша мурватини алмаштирдим, қарабсизки, эски бўлса-да, у бинойидай ишлаб кетди...

Бу ҳолатда фикрнинг нақадар қудратли куч эканини тушундим. Ўша пайтларда биз канотли ракеталар билан боғлиқ бир ўта мураккаб масала устида ишлаётгандик. Мен ўша ракета лойиҳасини тасаввур қилдим, ўша заҳотиёқ муаммони тушундим, ҳисоб-китоблар шууримда пайдо бўлди. Кейинчалик мен уни ҳаётга татбиқ этдим.



МЕҲРИ ЖАБҲА...

Кўп ўтмай, Ефремов у дунёда ёлғиз эмаслигини англади.

– Кўп ўтмай ташқи олам билан бўлаётган ўзаро алоқа бир ёқлама эмаслигини тушуниб қолдим, – дейди у. – Шуурида зоҳир бўлган саволга дарров жавоб пайдо бўларди. Аввалига бу жавобларни ўзим топдим, деб ўйладим. Аммо келаётган маълумотлар мен олган билимлардан анча юқори ва мураккаб эди. Шундагина ҳар ерда мавжуд, чек чегарасиз олий зот мени бошқараётганини сезиб қолдим. У ҳар нарсага қодир, кучли зот бўлиб, муҳаббат ва меҳрга тўлиқ эди. Мен қалбим, бутун вужудим ила борлигини ҳис қилиб турган олий онг мени чўчитиб юбормасликка уринарди. Муаммо ва ҳодисаларни сабаб-оқибат қамровида англашимга айнан у ёрдам бераётганди. Мен уни кўролмасам-да, унинг мавжудлигини ич-ичимдан ҳис қилардим...

Кутилмаганда менга нимадир ҳалақит бера бошлади. Мени сабзини ердан суғургандай қилиб ташқарига тарта бошладилар. Мен фароғат чекаётган бу оламни тарк этишни истамасдим. Туйқус кўз олдим жимирашиб кетди ва мен синглимни кўрдим. У кўркиб кетганди, менинг эса ҳайратдан кўзларим порларди.

ХУЛОСА

Ефремов ўз илмий мақолаларида у дунёни математик формулалар ва физик атамалар ёрдамида ифодалаб берди. Аммо биз ушбу мақолада уларни четлаб ўтишни жоиз, деб топдик ва унга қуйидаги савол билан муружат этдик:

– Владимир Григорьевич, ўлимдан кейин кўрган дунёингизни нимага қиёслаш мумкин?

– У оламни нимагаки қиёсламайлик, барибир нотўғри бўлиб чиқади. Чунки у ерда жараён бир ёқлама



кечмайди ҳамда вақт измида чўзилган эмас. Ҳодисотлар кўп қиррали, кенг қамровда бир пайтнинг ўзида юз бераверади. У дунёдаги жабҳалар (буюмлар) маълумотлар тўплами сифатида мавжуд. Ҳамма нарса бир-бири билан сабабият орқали боғланади ва ўзаро алоқада бўлади. Жабҳа ва хоссалар ягона, улкан маълумот тизимига жамланадики, буларнинг бари унинг амр иродасига, қонунларига бўйсунди. Ҳар қандай жабҳани, жараён ва хоссаларни ўзгартириш, бунёд қилиш ёки барбод этиш унинг ихтиёрига боғлиқ.

Ўз ўрнида инсон ҳам маълумот манбаи сифатида ўз имкони даражасида атрофдаги жараёнга таъсир этиши мумкин. Чунки тасаввур кучи ила мен баъзи нарсаларни англаб ололдим.

Биз яшаётган дунё анча оддий тузилган ва асосан ўзгармас, деб қабул қилинган қонуниятлардан иборат. Масалан, табиат қонунлари, воқеа-ҳодисаларнинг вақт измида кечиши ва ҳоказо. У дунё асосини эса маълумот-ахборот мажмуи ташкил этади. Масалан, маълум ва номаълум моддий жабҳаларнинг ўзи мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам, улар ҳақидаги ахборот тўлалигича мавжуд бўлади. Яъни инсон аслида йўқ, аммо кўришни ис-таган нарсасини кўра олади. Шунинг учун у дунёга бо-риб келган кишилар ҳикояси бир-биридан фарқ қилади. Гуноҳкорлар дўзахни, олижаноб кишилар жаннатни кўрадилар.

Бошқача айтганда, у дунёда ёмон ҳолатга тушиб қолмаслик учун уни билиш ва одамларга яхшиликлар қилиш керак, деб ўйлайман.

ХОТИНИМНИНГ РУҲИ КЕЛАДИ...

– Аёлим билан севишиб турмуш қурган эдик. Бири кам дунё деганларидай, фарзандларимиз улғайиб, тўнғич ўғлимизни уйлантиргач, у саратон касаллигидан вафот этди, – деб ҳикоясини бошлади Исмат ота.



– Ўзи оғир аҳволда-ю, менга “уйланманг, уйлансангиз мен у дунёда қийналаман”, дер эди. У кезлари бундай гаплар қўнглимга сиғармиди?! “Қўй, шунақа гапларни!”, деб уни койиб берардим. Ахийри касаллик уни енгди, ёз кунларининг бирида у вафот этди. Уни ёдга олмаган, эсламаган куним йўқ эди. Аёлим тайинлаганидай уйланиш ҳақида ўйламадим. Фарзандларим ўртага олиб:

– Ота, балки уйланарсиз? Келинларингиз хизматингизни қияпти, невараларингиз ёнингизда, аммо сиз учун иссиқ-совуғингиздан хабар оладиган бир ҳамсуҳбат аёл бўлмагач, ўзингизни ёлғиз ҳис қилаверасиз, – дейишди. Улар мени тушунгани учун ҳам “рахмат” дейман. Аммо уйлангани ўзимнинг ҳам хоҳишим йўқ эди. Маъсуманинг ўрнини бошқа бир аёл эгаллашини истамасдим. Айниқса, бир сафар қаттиқ бетоб бўлиб қолдим. Шунда фарзандларим мени қаттиқ қистовга олишди.

– Уйланмасангиз бўлмайди. Келинлар сиздан уялади. Қизларингиз ҳар куни келиб қаролмайди, биз ишда бўлсак!? – дейишди ўғилларим. Мен индамадим. Шу куни кечқурун тунда тақиллаган овоз эшитилди. Худди ён-веримда биров юргандай. Эртасига тунда яна шунга ўхшаш воқеа такрорланди. Хайрон бўлдим, аммо бунга эътибор қилмадим. Шундай кунларнинг бирида деворга орқа ўгириб ётгандим, орқамда биров оғир хўрсинди. Худди аёлимнинг овози! Юрагим “шув” этиб кетди. Шарт ўгирилиб қарадим. Ҳеч ким йўқ. Яна ёстикқа бош қўйдим. Хаёл билан қачон уйкуга толганимни билмайман. “Фарзандларим мени “уйланинг” деб қистовга олгани учун аёлимнинг руҳи безовта бўла бошлади, шекилли деб ўйладим.

– У гапни бошқа кўзғаманглар, ана неварам Миркомил мен билан ётади! – дедим.

Миркомил катта неварам. Ўсмир ёшида, аммо ҳали болалиги бор. Бир-икки кун ёнимда ётди-ю, қочиб кетди.

– Бува, уйингизга киргани кўрқаман. Бировнинг хўрсингани эшитилади! – деса бўладими?!



Қаранг, у ҳам ўша овозни эшитган. Мен қаерга борсам, ўша овоз мени таъқиб этарди.

Бир сафар катта ўғлимниқига меҳмонга бордим. Тўй қилаётган эди, шу ерда ётиб қолдим. Анвар исмли кичик неварам “бувам билан ётаман”, деб жанжал қилиб ёнимда ётди. Ярим тунда биров елкамга кўлини қўйганини аниқ ҳис қилдим. “Анвар ёнимда ётибдику, неварамдир...”, деб ўйладим. Шундай бўлса-да, ўгирилиб қарадим. Бироқ атрофда ҳеч ким йўқлигини кўриб, қўрқиб кетдим. У ҳолда елкамга кўлини қўйган ким? Ахир мен буни аниқ ҳис қилдим, дейман. Шундан кейин тунги хўрсинишлар, ёнгинамда бировнинг нафас олишлари камаймади. Бу аёлимнинг овози эди. Ахир у билан қирқ йилдан ортиқ бирга яшадик. Наҳот, унинг нафас олиши, хўрсинишларини ажрата олмасам?! Бироқ у нега безовта бўлаётганини тушуна олмасдим.

Кунларнинг бирида бир дуоғўй аёл, тасбех ўгираётди:

– Янгамнинг руҳи доим ёнингизда юрар экан. Уни ўз маконларига қўйиб юборинг! – деса бўладими?!

– Сиз доим у киши ҳақида ўйлайсиз. Аёлингиз сиздан хавотирда, руҳи безовта. Кейин шу вақтгача қабрларини зиёрат қилмаган экансиз. Қабристонга бориб, Қуръон тиловат қилинг, у кишидан безовта бўлмасликларини сўранг! – деди.

Чиндан ҳам орадан йигирма йилча вақт ўтди. Шу вақт мобайнида бирон марта қабрига бориб, зиёрат қилмаганман. Фарзандларим боришган. Негадир унинг қабрига боргани юрагим бетламасди. Чунки буни кўриш оғир эди мен учун. Охирги сафар онахоннинг ўғитларидан кейин қабрга бориб, дардларимни айтиб йиғладим. Мендан хавотир олмаслигини, жойида тинч ётишини сўрадим. Шундан кейин уйдаги тақиллашлар, ғойибдан келадиган хўрсиниқ овозлари тинди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4641> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4641> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4641>